

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 5867,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,2 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	5867,0	101,2	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	1,5	100,4	0,03
нодавлат мулки	5865,5	100,8	99,97

Йирик савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-сентябрда 423,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,2 ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 1076,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизга ошган.

2017 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	5867	101,2	100
шу жумладан:			
Йирик савдо корхоналари	423,1	116,2	7,2
Кичик тадбиркорлик	1076,8	103,8	18,4
уюлмаган сектор(ташқил этилмаган савдо фаолияти)	4367,1	99,3	74,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 69,7 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 104,9 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумий овқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 99,4 фозга ва 1956,6 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрь ойиларида 1706,7 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-сентябрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 4149,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1202,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 29,0 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 99,0 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	--------------------------------------------------	-------------------------------

Жами хизматлар	4149,1	103,7	100
-----------------------	---------------	--------------	------------

Шу жумладан хизмат турлари бўйича:

алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	315,7	113,6	7,6
молиявий хизматлар	544,6	129,2	13,1
транспорт хизмати	693,8	95,8	16,7
шу жумладан автотранспорт хизматлари	651,9	94,3	15,7
яшаш ва овқатланиш хизматлари	76,1	104,8	1,8
савдо хизматлари	1490,9	97,5	35,9
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	163,6	103,5	3,9
таълим соҳасидаги хизматлар	184,1	112,6	4,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	61,5	110,6	1,5

	млрд. сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
ижара ва прокат хизматлари	111,6	100,1	2,7
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	140,4	101,5	3,4
бошқа шахсий хизматлар	227,1	101,7	5,5
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	23,6	110,2	0,6
бошқа турдаги хизматлар	116,1	111,6	2,8

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,9 фоизи), транспорт (16,7 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (129,2 фоиз), транспорт хизматлари (112,6 фоиз), соғлиқни сақлаш (110,6 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларида (111,6 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:

